ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.О.ҒАНИЕВА, Д.Н.РАХМАТОВА

# "МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ" ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

(бакалавриат босқичи талабалари учун)

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

М.О.ҒАНИЕВА, Д.Н.РАХМАТОВА

# «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**(бакалавриат босқичи талабалари учун)**

ТОШКЕНТ - 2006

Ғаниева М.О., Д.Н.Рахматова. «Маънавият асослари» фани бўйича ўқув-услубий мажмуа (бакалавриат босқичи талабалари учун), ўқув услубий қўлланма -Т.: ТДИУ, 2006. 144-бет.

«Маънавият асослари» фанидан тажриба-синов ўқув-услубий мажмуаси Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Фалсафа кафедрасида тайёрланган. Ушбу мажмуа ўқув-услубий ва маълумотли ҳужжатлардан иборат бўлиб, талабаларни маъруза ва амалий машғулотларни мустақил ўрганиш бўйича ўзлаштириш сифатини оширади. Ўқув-услубий мажмуа «Маънавият асослари» фани бўйича бакалавриат босқичи талабалари учун мўлжалланган.

**Ғоя муаллифи:**
Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев

**Лойиҳа муҳаррири:**
Педагогика фанлари номзоди, доцент М.К.Хошимова.

**Тақризчилар:**
Фалсафа фанлари доктори, профессор И.Саифназаров,
Фалсафа фанлари доктори, профессор С.Отамуродов.

Муаллифлар мазкур таълим технологиясини яратишда ўзининг маслаҳатларини аямаганлиги, китобнинг янада мазмунли бўлишида фикрлари билан ўртоқлашганлиги ҳамда ташкилий ишларга ёрдам берганликлари учун ТДИУ ректори, профессор Б.Ю.Ходиевга, профессор А.Ш.Бекмуродовга, доцент Б.У.Усмоновга, доцент Л.В.Голишга, доцент М.К.Хошимовага, катта ўқитувчи О.Б.Гимрановага, «Фалсафа» кафедраси мудири, профессор И.Саифназаров бошчилигидаги Фалсафа кафедрасининг профессор-ўқитувчиларига ҳамда «Иқтисодиёт ва статистика» факультети декани доцент А.Б.Хайитовга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Муаллифлар таҳририда чоп этилган

© М.О.Ғаниева, Д.Н.Рахматова. -Т.: ТДИУ, 2006.

## МУНДАРИЖА

**МУАЛЛИФЛАРДАН**……………………………………………………...…….6

**I-БЎЛИМ. «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИГА КИРИШ**……………………………..…………………7

1. «Маънавият асослари» фанининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари……………………………………………………………………………8

2. «Маънавият асослари» фани бўйича ўқув дастури…………………13

3. Фан бўйича ўзлаштиришни баҳолашнинг кўрсаткичлари ва мезонлари…………………………………………………………………20

4. Мустақил иш ва реферат мавзулари…………………………………21

5. Ахборот услубий таъминот……………….……………………………24

6. «Маънавият асослари» фанидан якуний баҳолаш саволлари………...27

**II-БЎЛИМ. «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА РЕЖА ТОПШИРИҚ-ЛАР ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ МАЖМУАСИ**………..36

**1-мавзу «Маънавиятнинг предмети, тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари»**

1.1. Кириш-мавзу бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар………………………………………….37

**2-мавзу «Маънавиятнинг предмети, тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари»**

2.1. Информация-кўргазмали маъруза бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар…..………………………………43

2.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………………………………………...52

**3-мавзу «Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги»**

3.1. Информацион маълумотга эга бўлган маъруза бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………….....56

3.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………………………………...66

**4-мавзу «Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик»**

4.1. Информацион маълумотга эга бўлган бахс-мунозарали маъруза бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар…………………………………….....71

4.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар…………………………………….....80

**5-мавзу «Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини»**

5.1. Информацион тематик маърузани бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………85

5.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………………………………....92

**6-мавзу. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият**

6.1. Конференции – маъруза бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………………………...96

6.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий материаллар……………………………………..108

**7-мавзу «Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи»**

7.1. Муаммоли-маъруза бўйича режа-топшириқ ва ўқув-

услубий материаллар……………………………………………..112
7.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган
амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-
услубий материаллар……………………………………………..119
**8-мавзу «Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига**
**садоқат шахс маънавияти муҳим мезонлари»**
8.1. Информацион маълумотга эга бўлган
баҳс-мунозарали маъруза бўйича режа-топшириқ ва
ўқув-услубий материаллар……………………………………..124
8.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган
амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-
услубий материаллар……………………………………………..132
**ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ – ГЛОССАРИЙ**……………………………..142
**“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАНИНГ**
**ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**…………………………..144

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Ҳурматли талаба!

Қўлингиздаги ўқув-услубий мажмуа «Маънавият асослари» фанини ўқитиш жараёнида мустақил фаолиятингизга ёрдам беради.

Мазкур қўлланма кириш, ўқув фани бўйича ўқув-услубий мажмуанинг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотлар бўйича режа-топшириқлар ва ўқув-услубий ҳужжатлар бўлимларидан таркиб топган.

Ўқув-услубий мажмуа концептуал асослари бўлимида «Маънавият асослари» ўқув фанини ўқитишнинг долзарблиги асосланган, мазкур фаннинг тузилмаси келтирилган ҳамда фан бўйича ўқитишнинг мазмуни очиб берилган. Фаннинг ўқув дастури маъруза ва амалий машғулотларнинг мазмунлари ва режаси ҳамда фойдаланиладиган адабиётларнинг рўйхати ҳам келтирилган. Бу бўлимда назарий ва амалий машғулотлар, мустақил ишларни бажариш бўйича ўзлаштиришни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари берилган.

Иккинчи асосий бўлимда ҳар бир мавзу бўйича режа топшириқлар ва ўқув-услубий ҳужжатлар келтирилган. Талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини асосли равишда ҳимоя қилиш, баҳслашиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун баҳс-мунозара дарсларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда ўқув қўлланманинг иккинчи қисми жамият ҳаётидаги баъзи масалаларни амалий дарсларда муҳокама қилишга мўлжалланган. Бундай дарсларни олиб боришда ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этиб бораётган илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, жумладан кичик гуруҳларда ишлаш, гуруҳларнинг маълум позицияни эгаллаши, барчанинг бир бирини ўқитиши, «ақлий ҳужум» каби усулларни кенг қўллаш дарсларни самарали бўлиши, уларнинг қизиқарли кечишини таъминлаганлар.

Ўқув-услубий мажмуа сўнггида талабанинг фан бўйича рейтинг балларини йиғма баҳолаш варағи келтирилгандир.

***ТДИУ Фалсафа кафедраси катта ўқитувчилари***
***М.О.ҒАНИЕВА, Д.Н.РАХМАТОВА***

# I-БЎЛИМ

# «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

# 1. «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Инсоният ва жамиятлар ривожида миллий ва умумбашарий маънавий мерос ва бойликларнинг юқори аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак:

– маънавиятнинг предмети, тушунчалари, таркибий қисмлари, маънавиятнинг иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрнини;

– маънавият ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, миллий-маънавий тикланиш, унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий тараққиётдаги аҳамиятини;

– маънавиятдаги миллий ва умуминсоний жиҳатлари, маънавиятнинг тарихий, илмий-назарий ва амалий заминлари, инсон маънавияти шаклланганлигининг асосий мезонларини билиши керак.

Ўз иш фаолиятида маънавий-маърифий ишларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши керак.

Маънавият инсон руҳий камолотининг муҳим мезонларидан бирини ташкил қилади. У миллат абадийлигини ва мамлакат тараққиётини таъминлашдаги устувор омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг «Юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади»[1] - деб таъкидлаганлиги бежиз эмас. Маънавиятнинг ана шу муҳим роли ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, миллий-маънавий тикланиш, ёшларни юксак маънавият соҳиби ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш мустақиллигимиз шароитида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур сиёсатни реал ҳаётга тадбиқ этишда республикамизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланиб чиқарилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Айниқса, 1997 йилдан бошлаб республика олий таълим тизимига «Маънавият ва маърифат асослари» курсининг киритилиши бу амалий ишлардан муҳими бўлди. Ўтган давр тажрибалари кўрсатдики, мазкур курснинг таълим тизимига киритилиши ўзини оқлади. Чунки, бу курсни ўрганишга талаба ёшларнинг қизиқишлари ортиб бормоқда. Айниқса, уларнинг миллий ўз-ўзини англашларида, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларининг мустаҳкамланишида мазкур курснинг ўқитилиши ижобий роль ўйнамоқда. Уларга эътиқод, иймон, ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат каби туйғуларни шакллантиришга, ўз миллати ва ватанининг манфаатларини тушуниб етишларига ёрдам бермоқда.

[1] Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998. 7-бет.

Республикамиз олимлари бу курснинг катта тарбиявий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда унинг дастурини ишлаб чиқдилар, илмий мақолалар ва илмий оммабоп асарларни эълон қилдилар. Шунинг билан бир қаторда, тўпланган тажрибаларни умумлаштириб бориш асосида дастурни миллий истиқлол ғояси, мамлакатимиз тараққиёти ва тарбиявий ишларни ривожлантириб бориш заруриятдан келиб чиққан ҳолда кучайтириб бориш, уни такомиллаштиришга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Чунки, маънавиятни ўрганиш тажрибалари кўрсатдики, у кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига жуда кўп масалаларни қамраб олади. Ана шу масалаларнинг бошқа ижтимоий фанларда ўрганилмайдиган ёки кам ўрганилаётган қирраларини бир тизимга келтиришни тақозо қилмоқда. Аммо, уни амалга ошириш осон эмас. Бу дастурни тузишда ҳисобга олиниши керак бўлган биринчи масала бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз тараққиёти ва миллий тикланишимизнинг ҳозирги босқичида юзага келган янги долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда талаба ёшлар маънавиятини ривожлантириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг янги услублари ва омилларини излаб топиш ҳамда уларни дастурда акс эттириш ҳам зарур бўлади.

## Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Президентимиз И.А.Каримов томонидан жамиятимизни янгилаш мақсадида ишлаб чиқилган беш тамойил ҳаётга собитқадамлик билан татбиқ этилаётган ҳозирги пайтда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий истиқлол ғояларини ҳар бир киши онгига сингдириш ва пировард натижада маънавий баркамол, комил инсонни, эркин шахсни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Бу ғоя тўлалигича барча, шу жумладан олий таълим тизимига ҳам тааллуқлидир.

Жамиятимизда таълим-тарбия тизимини соғлом инсонпарварлик йўналишида қайта ташкил этиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол, маънавий дунёси бой, ахлоқий пок, комил инсонларни тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган, давлат аҳамиятига, миллат келажагига молик вазифа бўлиб турибди. «Маънавият асослари» курсини олий таълим тизимида ўқитилиши ҳам ана шу муҳим вазифани амалга оширилишига хизмат қилмоғи лозим.

Ҳозирги даврда ҳамма соҳада фаннинг ўрни ва мавқеи тобора ортиб бормоқда, Янги техника ва технологияга кенг йўл очиш, уни малакали бошқара оладиган ва айни чоғда чинакам инсоний фазилатларини ўзида

мужассамлантирган, маънавий баркамол кадрларга ижтимоий талаб тобора ортиб бормоқда.

Маълумки, илмий-техника инқилобининг ижтимоий табиий оқибатлари бутун тараққийпарвар инсониятни жиддий ташвишга солаётгани сир эмас. Бинобарин, рўй бераётган фан ва техника ривожини ҳар бир жамият маънавий ахлоқий муҳитини соғломлаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда боришини таъминлаш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди.

XXI аср одамларида, аввало ёш, ўсиб келаётган кадрларга тор сохавий (технократик) тафаккур тарзидан доиравий (фалсафий) тафаккур тарзига ўтиш, миллий, ирқий, диний ва бошқа муносабатларда инсонпарварликни намоён этадиган янги даврининг бошланиши асри бўлиб қолиши керак. Бунда эса маънавий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти каттадир. У инсон қалбини мунаввар этиш, унинг рухи соғлом, ахлоқи пок бўлишига эришиш, уни буюк мақсадларга йўллаш учун ички рағбат бўлувчи ғоя бўлиши, у одамларда, хусусан талаба ёшларда комил инсонлик сифатларини тарбиялаш воситаси бўлиб қолмоғи лозим. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ижтимоий ва маънавий қиёфаси бугунги тузган режаларимиз, амалга оширадиган ишларимизга монанд тарзда намоён бўлади.

Мана шу юқорида баён этилган фикрлар «Маънавият асослари» курсининг умумий мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

Маънавият ҳозирги кунда хақли равишда табиатнинг олий ва ноёб маҳсули - инсоннинг маънавий ахлоқий камолоти унинг шахс сифатида шаклланиши, маънавий баркамол инсон бўлиб етишишини ўргатувчи ва шунга йўлловчи курслардан бирига айланиб қолди. Талабаларимиз халқимизнинг бой маънавий меросини умуминсоний маънавий бойликлар билан уйғун ҳолда ўрганиб ўзларида ижобий маънавий-маърифий сифатларни шакллантиришлари лозим.

Бизнингча олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» курсини ўқитишни қуйидаги талаблар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Таълимни инсонпарварлаштиришнинг марказий масаласи ёшларда юксак маънавият, юксак ахлоқ, фуқаролик сифатларини шакллантириш, инсоннинг ор-номуси, шаъни, иймони, масъулияти каби туйғуларни, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби маънавий-рухий фазилатларни тарбиялашдан иборат.

2. Мутахассисларнинг касбий, ихтисослик тайёргарлигига миллатимизнинг бой маънавий меросидан озиқ оладиган, уларнинг юксак маънавий ахлоқий имкониятлари, кенг дунёқараши ақл-идроки билан ўзаро мувофиқ келиши зарур.
3. Ўзбекистон мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутди, жаҳон ҳам Ўзбекистонга ўз бағрини очмоқда. Бинобарин, энди биз тарбиялаётган кадрлар жаҳон халқлари билан доимий мулоқотда бўладилар. Ўзбекистонга, унинг халқига ҳар бир кадрнинг шахсий интеллекти, маънавий-ахлоқий қиёфасига қараб баҳо берадилар, муносабат белгилайдилар. Бундай шароитда бўлажак мутахассиснинг ўз касбини қай даражада устаси эканлиги, айни чоғда Ўзбекистон фуқароси сифатидаги фазилатларига, яьни маънавий дунёсига қараб хорижликлар халқимиз, мамлакатимиз ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Буни ҳар бир ёш авлод, жумладан талаба назарда тутиши, шундан келиб чиқиб таълимга, хусусан ўз маънавий дунёсини бойитишга муносабат белгилаши, ўз-ўзини, миллий ўзлигини англаши муҳим.
4. Мустақил Республикамизда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш калити юртимизда маънавий-ахлоқий муҳитни миллий заминда соғломлаштиришдир. Ўзбек миллий хусусиятидаги дўстликни ҳамкорликни, ҳамнафасликни, иймонли-эътиқодлйликни улуғлаш, қийин аҳволда қолганларга ҳар доим ёрдамга келиш, шукроналик билан яшаш, босиқ-вазминлик, инсоф-диёнатлилик, шарм-хаёлилик, иффатлилик фазилатларини шакллантиришга ёрдам бериш каби талаблар қуйилди.

## Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

«Маънавият асослари» курси энг аввало ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар билан узвий алоқада. «Маънавият асослари» янги ўқув курси сифатида ўз мақсади, вазифалари, объект, услубияти, услуби воситаларига суяниб иш кўриш билан бирга Ўзбекистон тарихи, фалсафа, этика, эстетика, диншунослик, маданиятшунослик, педагогика, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар каби фанлар ва курслар билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур курс инсон маънавий-интелектуал ўсишида, ижтимоий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий, ҳодисавий асослари каби масалаларда услубият, услубий ва мазмунан бир-бирини тўлдириб келишини кўришимиз мумкин.

Маънавият асослари курси иктисод фани билан бозор иктисодиётига хос бўлган тадбиркорлик, омилкорлик ишбилармонлик сифатларини ёшларда, бўлгуси мутахассисда шакллантириш йўлларини ишлаб чикишда ҳамкорлик қилади. Миллий истиқлол гоясининг маънавий асослари халкимизнинг узоқ бой тарихи билан богланиб кетган. Миллий истиқлол гояси миллатнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш, мамлакатни ва халқни тараққий эттиришдан иборат бўлган мақсадларни ўзида мужассамлантиргандир. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса маънавий юксак комил инсоннинг муҳим мезонларидан бири миллий ғоя мустаҳкам бўлиши, миллати мақсад ва манфаатларини тўлиқ англаган бўлиши лозимдир.

Демак маънавият асослари курсидаги ҳар бир мавзуда Миллий истиқлол ғоясини узвий равишда талабаларга етказиш зарур бўлади.

**Машғулотлар турлари бўйича ўкув соатларининг тақсимланиши**

| № | Мавзулар | Соатлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Маъруза | Амалий | Жами |
| 1. | И.Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти. | 2 | 1 | 3 |
| 2. | Маънавиятнинг предмети, тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва хусусиятлари. | 2 | 1 | 3 |
| 3. | Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. | 2 | 2 | 4 |
| 4. | Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик. | 2 | 2 | 4 |
| 5. | Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини. | 2 | 2 | 4 |
| 6. | Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият. | 2 | 2 | 4 |
| 7. | Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи. | 2 | 2 | 4 |
| 8. | Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат шахс маънавияти муҳим мезонлари. | 2 | 2 | 4 |
| | **Жами** | **16** | **14** | **30** |

## 2. «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш тушунчасига таҳлили. Унинг Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли: — умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маданий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоен қилиши; ватанпарварлик каби негизларга асосланиши тўғрисидаги концепцияси маънавий тикланишимизнинг назарий-методологик асоси эканлиги.

Ислом Каримовнинг Маънавият тушунчасига таърифи ва унинг маънавиятни одамни руҳан покланишига, қалбан улгайишига чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган куч эканлиги ҳақидаги фикри. Ислом Каримовнинг халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳуқуқий тарихи ва ўзига хослиги қайта шаклланаётганлиги, жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан мувоффаққияти равишда олға силжитишдаги хал килувчи ва белгиловчи аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғояси ва унинг миллий тикланишидаги тутган ўрни.

Ислом Каримовнинг миллий ғоя ва миллий мафкура концепцияси ва у томонидан маънавиятни тиклаш ва юксалтиришга мамлакатда амалга оширилаётган барчаислоҳотлар тизимида устувор вазифа сифатида қаралиши ва унинг сабаблари.

Мустақиллик йилларида миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантиришда Ислом Каримовнинг хизматлари.

Ўзбек халқининг миллий-маънавий тикланиши ва мустақилликни мустаҳкамлашда Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепциянинг назарий, методологик ва амалий аҳамияти.

Курснинг мақсади, вазифалари, манбалари ва услуби. Уни ўқитишнинг зарурияти ролининг ошиб бориш сабаблари ва давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланиши.

### 2-мавзу: Маънавият асослари фанининг предмети, тушунчалари уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусияглари

«Маънавият» тушунчасининг моҳияти. Маънавият хар бир инсоннинг ички *рухиятининг* ижобий қирралари, ақл-заковати, унинг *ўз-ўзини* англаши, аниқ мақсадлар сари фаоллик кўрсатиш салоҳияти эканлиги.

Маънавият асосларининг предмети инсон ва жамият маънавий ҳаёти, унинг мақсади комил инсон, иймон, эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салохиятини ривожлантириш эканлиги.

Инсон шахсининг шаклланиши маънавиятнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқлиги, маънавият, шахс, миллат ва жамият омиллари ўзаро боғлиқ эканлиги. Маънавият ривожланишидаги миллий маънавий меросларга, унинг тараққиёт тажрибаларига таяниш ва миллий маънавий таъсир курсатиш, ўзаро бойитиш ва умуминсоний қирраларни ўзлаштириш қонуниятлари.

Шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби поклик, саҳийлик, самимийлик, хайрихохлик, имонлилик, халоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқат, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқатлилик, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан маъсулияти, миллий манфаат устуворлигини хис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзлаштириш, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга итоаткорлик, жамоа анъаналарига хайрихохлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиш, ҳаётида бўладиган жараёнларда фаоллик кўрсатиш кабиларнинг маънавият категориялари эканлиги.

Маънавият жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлиги. Унинг шахс фаоллигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, жамиятда тотувлик, якдилликни таъминлаш ва умуммиллий манфаатларни уйгунлаштиришда қудратли куч эканлиги. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий асослари.

## 3-мавзу: Маънавият, иқтисодиёт ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

***Иқтисодиёт тушунчаси.*** Унинг муайян ижтимоий тузумдаги ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи эканлиги. Эҳтиёжлар, манфаатлар инсон хаётий фаолиятининг харакатлантирувчи кучи. Иқтисодий эҳтиёжлар ва маънавият.

Иқтисодий ҳаётни шакллантириш ва ривожлантириш - маънавиятнинг ўзига хос шакли эканлиги, Ислом Каримов иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқ эканлиги тўғрисида. Маънавият жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришишининг омили эканлиги. Жамият маънавияти тараққиётида иқтисодий омилларнинг роли катта эканлиги. Юксак маънавият иқтисодий самарадорлик ва сифат гарови эканлиги.

Бозор иқтисодиётини маънавийлик нуқтаи назаридан тахлили. Унга ўтиш юксак тараққиёт имконияти эканлиги. Ўтиш даврида содир бўладиган иқтисодий қийинчиликлар шароитида маънавий омиллар ролининг ошиб бориш сабаблари. Маънавият иқтисодий ҳаётда содир

бўладиган уюшган жиноятчилик, тамаъгирлик, юлгучлик, алдамчилик, порахўрлик каби салбий иллатларни тугатишнинг, тадбиркорлик, яратувчилик, фаоллик, сахийлик каби ижобий фазилатларни шакллантиришнинг муҳим омили эканлиги. Кишиларнинг халол иқтисодий баркамолликка эришиши, улардаги саховат ва ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик қилиш фазилатларининг намоён бўлиши маънавий юксаклик белгиси эканлиги.

Маънавиятнинг иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда мамлакат аҳолисини уюштирувчи ва фаоллаштирувчи куч эканлиги. Ривожланган иқтисодиёт - юксак маънавият мезони.

## 4-мавзу: Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик

Маънавият, этнослар, халқлар ва мамлакатлар.

Миллий маънавият тушунчаси, унинг миллат рухияти, миллий онг, унинг тафаккури, хатти-ҳаракатлари, турмуш тарзи, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар билан боғликлиги. Миллий маънавиг ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги ва умрбоқийлигини таъминловчи омил эканлиги.

Миллий маънавиятнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари. Миллий маънавиятнинг умуминсоний маънавият даражасига кўтарилиш концепцияси.

Умуминсоний маънавият таҳлили. Унинг барча миллатлар ва этносларнинг ўзига хос томонларини ўзида мужассамлаштирганлигини ва эҳтиёжларини, манфаатларини акс эттириши.

Этник бирлик ва миллий маънавиятлар. Турли тарихий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда миллий маънавиятларнинг ўзаро алоқадорлиги. Миллатлараро маънавий-маърифий муносабатларнинг тарихий шакллари.

Демократик жамият шароитида миллий маънавий эҳтиёжнинг ўсиб бориши, миллатлар ва мамлакатлараро маънавий-маърифий муносабатларинг кенгайиши ва чуқурлашуви.

Маънавият илдизлари мустаҳкам миллатнинг келажаги порлоқлиги ва унинг букилмас қудратга эга эканлиги. Ҳар бир миллатнинг умуминсоний маънавиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш тамойиллари.

Маънавиятда миллий махдудлик ва айирмачиликка интилишнинг салбий оқибатлари.

Миллатчилик, буюк давлатчилик ва ирқчилик маънавий қашшоқликнинг жирканч белгиси эканлиги.

Шарқ ва ғарб маънавияти, уларнинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари. Шарқ ва ғарб халқлари маънавиятларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишларни танқид.

Миллий маънавий тикланишнинг моҳияти. Ўзбек миллий маънавиятининг мустақиллик шароитида қайта тикланиш жараёнлари ва унинг жаҳон цивилизациясидаги мавқеини тиклашдаги ютуқлари.

### 5-мавзу: Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини

Ислом ва маънавият. Қуръони Карим мусулмонларнинг муқаддас китоби. Унда маънавият тушунчаси ва шахснинг маънавий қиёфасининг мезонлари. Шариатда ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларининг бирлиги. Ислом динида халол ва харом, фарз, суннат, макрух, яхшилик ва ёмонлик, савоб ва гуноҳ инсофлилик, виждонлилик, меҳр ва шафқатлилик, ростгўйлик, фирибгарлик, зўравонлик, ўғирлик, босқинчилик, таъмагирлик ва порахўрлик тушунчалари.

Ислом динида ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, қариндошчилик, фарзанд тарбияси, оилага садоқат, тенглик ва биродарлик, ҳурмат ва эҳтиром, софдиллик ва самимийлик, ўзаро ёрдам ва камтарлик, саломлашиш ва дўстлашиш, муайян ҳуқуқий меъёрларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш, жамиятда тартиб интизом ва осойишталикни сақлаш масалалари ва уларнинг маънавий юксакликни таъминлашдаги роли.

Тасаввуф тушунчаси ва унинг маънавий - ғоявий илдизлари. Назарий ва амалий тасаввуф. Тасаввуф нафс ва ақл ҳақидаги таълимотнинг таҳлили. Тасаввуфнинг асосий оқимлари ва уларнинг ғоявий мазмуни ва инсоннинг маънавий камолотида тутган ўрни.

Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк сўфийлар ва мутафаккирларнинг шахс маънавий камолоти ҳақидаги таълимотлари. Юсуф Ҳамадоний, Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Хўжа Абдуллоҳ Ғиждувоний, Абу Али Муҳаммад Ибн Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор, Абдураҳмон Жомий, Мир Алишер Навоий, Машраб ва бошқаларнинг маънавият ва шахс маънавий камолоти ҳақидаги ғоялари.

Ислом маънавий қадриятлари ва ахлоқ-одоб нормаларининг умуминсоний характери. Диний бағрикенглик — миллий ғоянинг тамойили эканлиги.

Собиқ шўро тоталитаризми шароитда ислом маънавий-аҳлоқий қадриятларининг таъқиб этилиши. Мустақиллик шароитида уларни қайта тиклаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг маънавий тикланишдаги аҳамияти.

Ислом Каримов асарларида ислом дини ва исломий қадриятларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини янада ошириш зарурлиги ҳақидаги масалаларни ёритилиши.

Ислом динидан ғаразли мақсадларни амалга ошириш йўлида фойдаланишга уринишлар, уларнинг маънавий қашшоқлик белгиси

эканлиги. Бундай уринишларнинг чинакам қадриятларга, жамиятимиз, давлатимиз ва миллатимиз тараққиётига таҳдиди.

Ислом динидан умуммиллий ва умуминсоний маънавиятни тиклаш йўлида фойдаланишнинг назарий ва амалий аҳамияти.

### 6-мавзу: Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият

Амир Темурнинг буюк давлат арбоби, юксак маънавият соҳиби эканлиги. Унинг маънавият ва маданият хомийси эканлиги. «Темур тузуклари» асарида маънавият масалалари ва унда комил инсон қиёфаси фазилатларининг қўйилиши.

«Темур тузуклари»да подшохлар, ҳокимлар, давлат арбоблари ва амадлорларнинг, оддий аскарлар ва аҳоли қатламларининг ҳуқуқий ва маънавий меъёрларининг ифодаланиши:

- кишининг ўзига, бажараётган ишига, эгаллаб турган лавозимига қўйилган одоб-ахлоқ меъёрлари;
- инсоннинг Ватанга, халқига, ўз оиласига ва дўстига муносабатини акс эттирувчи маънавий мезонлар;
- инсоннинг кундалик ҳаёти, юриш туриш қоидаларини акс эттирувчи ахлоқий меъёрлари;
- илм-фан арбоблари, дин пешволари, донишмандларга муносабатларни акс эттирувчи одоб меъёрлари;
- ота-онага, ўз устозига, унга яхшилик бахш этган кишиларга бўлган муносабатларини акс эттирувчи маънавий-ахлоқий нормалар.

Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур Темурийлар сулоласи давридаги маънавият, маърифат ва маданият ривожланишида буюк хизматлар қилган давлат арбоблари эканлиги. Уларнинг маърифат, илм, меҳр-шафқат, инсонийлик, ватанпарварлик ғоялари ва уларнинг миллий маънавиятда тутган ўрни.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган моддий ва маънавий мерослар ва уларнинг ўзбек халқининг мустақиллик шароитида маънавий тикланишидаги аҳамияти.

### 7-мавзу: Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари. Уларнинг шарқона таърифи. Ислом Каримов асарларида баркамол инсонни тарбиялаш ғоялари

Баркамол инсон таърифи. Ислом Каримов томонидан баркамол инсон тушунчасига берилган таърифнинг мохияти. У аввало, онги юксак, мустакил фикрлай оладиган, хулқ - атвори билан узгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли киши эканлиги.

Маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатларининг юксак бўлиши. Кишиларнинг чуқур ва замонавий билимга, кенг дунёқарашга, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шарти

эканлиги. Маънавий баркамоллик ва комилликнинг қирралари ва асосий мезонлари: Ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзга инсонларни қадрлай билиши, инсон зотини улуғлай билиши, инсоният томонидан бунёд қилинган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштиришга интилиши, унинг ички ва ташқи дунёсининг, соғлом фикри ва оқилона сўзи билан амалий фаолиятининг, дили билан тилининг бирлиги маънавий етукликнинг асосий қирралари ва мезонлари эканлиги.

Комил инсоннинг шарқона фазилатлари, Шарқ халқлари тарбия тизими ва услубининг ўзига хос хусусиятлари.

Миллий истиқлол ғоясида комил инсон ғоясининг талқини.

Ислом Каримов ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади, — деган концептуал ғоясининг мазмуни, уни амалга ошириш вазифалари ва воситалари.

Маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш заруриятининг ошиб бориш сабаблари. Унинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлиги.

## 8-мавзу: Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатга садоқат шахс маънавияти мезонлари

Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари. Ватанни она каби улуғлаб «она - Ватан», - дейилишининг моҳияти. «Ватангадолик», «Ватанфурушлик» тушунчалари, уларнинг инсон учун оғир қисмат ва маънавий қашшоқлик белгиси эканлиги.

Ҳар бир инсоннинг ўз она заминида яшаши, унинг манфаатлари йўлида фидоий бўлиши юксак олий неъмат эканлиги. Ягона замин ва ягона тақдир тушунчаларининг маънавий илдизлари. «Ватанни севмоқ-иймондандир», - ҳикматининг мазмуни ва унга амал қилиш ҳар бир шахснинг инсоний бурчи эканлиги. Ватанпарварлик авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётган қадрият эканлиги. Ватанни душмандан ҳимоя қилиш, уни бир бутунлигини кўз қорачиғидек асраш, унинг равнақи йўлида фидоий бўлиш ҳар қандай инсон маънавиятининг мезони эканлиги.

Ислом Каримовнинг «Биз фидоий ватанпарварга таянамиз», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» ва «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ғояларининг моҳияти, уларни ёшлар руҳиятига сингдиришнинг зарурияти. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ватанпарварликнинг ва миллатпарварликнинг муҳим белгиси.

Мустақиллик ва бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ватанпарварлик туйғуларининг мустаҳкамлаш зарурияти.

Инсонпарварлик тушунчаси, унинг, инсон, инсонга дўст, ҳамдард, кўмакдош каби фазилатлар эканлиги. Инсонпарварликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий қирралари. Инсоннинг ўз-ўзини

англаши инсонпарварликнинг маънавий мезони эканлиги. Миллий истиқлол гоясида ватан равнақи, халқ фаровонлиги масалалари.

Ўзбекистоннинг «Соглом авлод» дастури ва унинг инсонпарварлик моҳияти. Худбинлик, зўравонлик, жоҳиллик, манманлик, ўзини ўзгалардан устун қўйишга интилиш, ёвузлик кабиларнинг инсонпарварликка зид эканлиги. Ота-она, Ватан ва ўз миллати олдида маъсулиятини тушуниб етиш, дўсту-биродарга, қариндош-уруғга меҳр оқибатли, мурувватли бўлиш, ўтганларнинг руҳини шод этиш инсонпарварликнинг ажралмас белгилари эканлиги.

Ўз миллатига садоқатли бўлишнинг моҳияти, унинг миллат манфаатлари йўлида фидоий бўлиш, қадр-қимматини, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва миллий бирликни мустаҳкамлаш каби фазилатлар эканлиги.

Ўз миллатининг келажаги йўлида қайғуриш, ҳар бир маънавиятли инсоннинг бурчи эканлиги. Ёшлар ва фикрлар хилма-хиллиги, ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш зарурияти, ёшлар руҳиятида ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш миллий маънавий тараққиётнинг зарурий шарти эканлиги.

## 3. ФАН БЎЙИЧА ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШНИНГ КЎРСАТКИЧ ВА МЕЗОНЛАРИ

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ж.Б. | | | | | | | | | 45 |
| Маъруза | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | |
| Амалий машғул. | | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | 3 | |
| О.Б. | | | | | | | | | 40 |
| Реферат | | | | 10 | | | | | |
| Тест | | | | | | | | 30 | |
| Я.Б. | | | | | | | | | 15 |
| Ёзма | | | | | | | | | |
| Огзаки | | | | | | | | 15 | |
| ЖАМИ: | | | | | | | | | 100 |

| Ўзлаштириш кўрсаткичлари | Баҳо |
|---|---|
| 85,01 – 100 | Аъло |
| 70,01 – 85 | Яхши |
| 55,01 – 70 | Ўрта |
| 55 гача | Қониқарсиз |

## 4. МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-маърифий негизлари.
2. Бозор муносабатларининг маънавий асослари.
3. Фалсафий тафаккур ва маънавий камолот.
4. Маънавий қадриятлар - истиқлол маънавиятининг асосидир.
5. Маънавий баркамол инсон - мустақиллигимиз пойдевори.
6. Юксак эътиқод - маънавийлик белгиси.
7. Ҳалоллик ва поклик - юксак маънавийлик ифодасидир.
8. Мустақиллик - маънавий юксалишимизнинг гаровидир.
9. Истиқлол ижтимоий тараққиёт мафкураси - машъали.
10. Мафкурасизлик ва унинг ижтимоий - сиёсий оқибатлари.
11. Ўзликни англаш - маънавийликнинг юксак босқичи.
12. Ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда ижтимоий фанларнинг ўрни.
13. Ватанпарварлик туйғуси - маънавий камолотнинг юксак ифодаси.
14. Ижтимоий ҳаётда маънавият ва маърифатнинг аҳамияти.
15. Туркистонда жадидчилик харакати ва уларнинг маърифатпарварлик фаолияти (А.Авлоний, Усмон Носир).
16. Беҳбудий ва Мунаввар қори - Туркистонлик улуғ маърифатчилардир.
17. Алишер Навоий - юксак маънавият эгаси, маърифатчи шоир.
18. Фаробий - юксак маънавият ва маърифатчи олим.
19. Ўзбекистон музейлари, маънавият ва маърифат ўчоқлари.
20. Ўзбекистонда «Маънавият ва маърифат» марказининг таъсис қилиниши - юксак маънавийлик сари қўйилган қадам.
21. И.А.Каримов - маънавият ва маърифат хомийси.
22. «Овесто» китоби зардўштийлик мафкурасининг манбаи сифатида.
23. Амир Темур маънавияти ва маориф хомийси.
24. Темурийлар даврида маънавият ва маърифатга бўлган эътибор.
25. Ислом динида маънавият ва маърифатга муносабат.
26. Қуръони Каримда маънавий баркамоллик ҳақидаги ғояларнинг қўйилиши.
27. Хадиси шарифлар - юксак инсоний фазилатлар жамланган манба сифатида.
28. Муҳаммад пайғамбарнинг юксак маънавий қиёфалари - маънавий баркамоллик мезони.
29. Миллий ва умуминсоний қадриятлар. Уларнинг муштараклиги.
30. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари - ёшларда маънавийликни тарбиялаш воситаларидир.
31. Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг қарор топиши - юксак маънавийликни аломатлари эканлиги.

32. Маданий мерос, маънавият ва мафкура. Уларнинг нисбати.
33. Маънавий маданиятимизнинг сарчашмалари.
34. Маънавий соғломлик микёслари ва уларни шакллантириш йўллари.
35. Маънавият - инсоний фазилат, ахлоқийлик ифодаси.
36. Маънавият - буюк мулк.
37. Маънавиятимиз салоҳиятлари.
38. Кучли ижтимоий химоялаш сиёсати маънавият имконияти ва кафолати сифатида.
39. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари.
40. Маҳмуд Қашғарийнинг «Девони Луғатит турк» асари маънавийлик кўзгуси сифатида.
41. Ислом минтақа такомилида Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ўрни.
42. Тасаввуф таълимотининг маънавий мазмуни ва Нақшбандия тариқати.
43. Янги давр жаҳон маданияти ва миллий маданият равнақи (XVI-XIX асрлар).
44. Мустамлака асорати шароитида (XIX-XX асрлар) миллий маънавиятимизнинг аҳволи.
45. Шўролар тузуми даврида миллий маънавиятимизга бўлган муносабат.
46. Маданиятлилик - маънавийлик ифодаси.
47. Кутубхоналар - маънавият ўчоғи.
48. Адабиёт - маънавият булоғи.
49. «Наврўз» байрами ва унинг маънавий аҳамияти.
50. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси - маънавият кафолати.
51. Абдулла Қодирий ёзувчи ва буюк маънавият сохиби.
52. «Ўтган кунлар» асари юксак маънавият кўзгуси.
53. Абдулла Орипов шеърлари - юксак маънавийлик намуналари.
54. Ўткир Хошимовнинг «Икки эшик ораси» китоби ўзбек халқининг маънавий ифодачиси сифатида.
55. Мустақиллик ва миллий маънавият учун курашганлар.
56. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маънавий маданияти.
57. Нақшбандия тариқати - тасаввуф таълимотнинг юқори босқичи сифатида.
58. Мустақиллик ва ўзликни англашнинг муаммолари.
59. Демократиянинг маънавий қиёфаси.
60. Мустақиллик маънавияти.
61. Ўзбек бадиий адабиётида мустақиллик муаммоларининг ёритилиши.
62. Мустақиллик Конституцияси - энг демократик конституция.
63. Ахмад Яссавийнинг - маънавий қарашлари.
64. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий қарашлари.
65. «Бобурнома» - маънавият булоги.
66. «Фозил одамлар шаҳри» асарида Фаробийнинг маънавий қарашлари.

67. Исломнинг аёлларга муносабати - юксак маънавийлик ифодаси.
68. Темурийлар даврида маънавият ва маърифатга хизмат қилган буюк шахслар.
69. «Овесто» китоби ва унинг Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаётига таъсири.
70. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» китоби ўзбек маънавиятининг намунаси.
71. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ойномаси сахифаларида маънавият муаммоларининг ёритилиши.
72. «Тафаккур» журнали ўзбек маърифатчилигининг жарчиси.
73. Эркин Вохидовнинг «Ўзбегим» шеърида ватанпарварлик ғоялари.
74. Амир Темур даврида маданият ва маърифат.
75. Алишер Навоий «Хамса»сида ватанпарварлик ғояларининг ёритилиши.
76. Тасаввуф таълимотида инсон маънавияти.
77. Хадисларда ота-она, қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларга қилинадиган муносабатлар ҳақида.
78. «Мулоқот» ойномаси маънавият кўзгуси.
79. Ислом дини ва пайғамбаримиз авлодлари.
80. Давлатшох Самарқандий ва унинг фаолияти.
81. Амир Темур тузуклари - маънавият ўчоғи.
82. Юсуф Хос Хожиб ва Ахмад Югнакийларнинг маънавий - ахлоқий қарашлари.
83. Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий-маънавий заминлари.
84. Ўзбек оиласи. Муносабатлар.
85. Миллий анъаналар ва тарбия муаммолари.
86. Оилачиликнинг янги ҳуқуқий меъёрлари.
87. Оиланинг иқтисодий имкониятлари ва оила мустахкамлиги.
88. Ўзбек хонадонида қайнона - келин муносабатлари.
89. Маънавий муштараклик - оила мустақиллигининг заминидир.
90. Ватан мустақиллиги ва оила равнақи.

## 5. АХБОРОТ - УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

***Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва асарлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар***


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 14-15-б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. «Халқ сўзи» газ. 2006 йил 25 февраль.
3. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газ. 2006 йил 10 февраль.
4. «Хомийлар ва шифокорлар йили»: мазмун ва моҳият. Т., 2006.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маросимидаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
9. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучқудратимизга, халкимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., 1997.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
15. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
17. Каримов И.А Амир Темур-фахримиз, ғуруримиз. «Халқ сўзи» газ. 25 октябрь, 1996.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995.
19. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т., 1994.

*Ўқув қўлланма*

1. Қуръони Карим. -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2001. 2-49-б.
2. Ҳадислар тўплами. Қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 1998, 77-149-б.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Шарқ, 1994.
4. Имом Бухорий. Ҳадис, 4 жилдлик. -Т.: 1992, 1-жилд.
5. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т. Академия, 2003.
6. Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. -Т.: Мовароуннаҳр, 2001.
7. Авесто. -Т.: Шарқ, 2001.
8. Бобоев Х. Авесто маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
9. Бойназаров Ф. Қадимги дунё тарихи. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004.
10. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т.: 1996.
11. Имомназаров И., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Т.:, Тошкент Ислом Университети. 2001.
12. Кайковус. Қобуснома. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
13. Каримов Т. Миллий тафаккур тараққиётидан. -Т.: Чўлпон, 2003.
14. Комиллик ўгитлари. -Т.: Молия, 2003.
15. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
16. Маънавият асослари курсидан намунавий дастур. -Т.: Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, 2004.
17. Маънавият юлдузлари. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Қўлланма. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
19. Мусурмонова О. Оила маънавияти - миллий ғурур. -Т.: Ўқитувчи, 1999.
20. Носирхўжаев С.Х. Маънавият асослари. -Т.: ФАН, 2002.
21. Отамуродов С. ва бошқалар Маънавият асослари (маърузалар матни). -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
22. Саифназаров И ва бошқалар. Халқимиз ҳамжиҳатлиги-терроризмга қарши кафолатдир. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.
23. Саифназаров И ва бошқалар. Иқтисодий ва маънавий манфатлар уйғунлиги ва баркамол авлод тарбияси. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
24. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. -Т.: Шарқ, 2001.
25. Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. -Т., 1996.
26. Саифназаров И. Маънавият буюк келажак пойдевори. ТДИУ, 1997.
27. Саифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. «Меҳнат», 1997.
28. Саифназаров И. Мафкура - инсонга қанот. «Халқ таълими». №2, 2001.
29. Саифназаров И. Озод халқ, эркин жамият ғояси. «Жамият ва бошқарув», №2, 2001.

30. Саифназаров И. Замонавий раҳбар маънавиятида миллий ва умуминсоний тамойиллар уйғунлигини таъминлашнинг назарий, услубий масалалари. «Янги аср авлоди», 2002.
31. Саифназаров И. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси. «Янги аср авлоди», 2002.
32. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: 1991.
33. Эргашев К. Ёшлар маънавиятини юксалтириш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
34. Эргашев И. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т.: Академия, 2002.
35. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. -Т.: Академия, 2004.
36. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т.: Университет, 1998. 34-59-б.
37. Юсупов Э. Оила-маънавият булоғи. -Т.: ЎзМУ, 2003, 129-б.
38. Шарифхўжаев М., Рахимов Ф. Даврни белгилаб берган инсон. -Т.: 2004, 93-206-б.
39. Ислом энциклопедияси. -Т.: 2004.
40. Фалсафа қомусий луғати. -Т.: 2004.
41. Мустақилликнинг изоҳли луғати. -Т.: 2003.
42. Ўзбекистон 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. -Т.: 2004.
43. Чориев С. Сиёсий етук шахс. -Т.: 2004.

### *Интернет сайтлар*

1. www.bilim.uz.
2. http.philosophy.albertina.ru.
3. www.history.ru.
4. www.philosophy.com.
5. www.gov.uz - Хукумат сайти
6. www.press-service.uz - Президент сайти
7. www.edu.uz - Вазирлик сайти
8. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
9. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
10. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
11. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
12. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

### Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари.

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Мультимедия дастури. -Т.: ТДИУ, 2005.
2. Маънавият асослари. Ўқув услубий мажмуа. Саифназаров И., Маҳмудов О.С., Рахматова Д. -Т., 2006.

## 6. «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИДАН ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ САВОЛЛАРИ

1. «Авесто» таълимоти бўйича ижтимоий тараққиёт ва унинг мезони. Таянч иборалар: ёруғлик, эзгулик, адолат, яхшилик, касб, деҳқончилик, зулмат, жаҳолат, якка худолик.
2. Ахлоқ баркамол авлод тарбиясининг негизидир. Таянч иборалар: баркамоллик, одоб, диёнат, иймон, виждон, истиқлол.
3. Жамиятнинг маънавий ҳаёти ва уни ҳосил қилувчи жиҳатлари. Таянч иборалар: маънавият, маърифат, халқ оғзаки ижоди, санъат, адабиёт, дин, фан.
4. «Зафарнома» асарининг асосий мазмуни ва унинг маънавият ривожидаги ўрни. Таянч иборалар: А.Темур, зафар, ғалаба, Ш.А.Яздий, Н.Шомий, Ибн Арабшоҳ.
5. «Зижи жадиди Кўрагоний» асари миллий-маънавий мерос сифатида. Таянч иборалар: маънавият, мерос, миллий қадрият, Улуғбек, илм-фан, астрономия.
6. Маданиятнинг ижтимоий тараққиётга таъсири. Таянч иборалар: маънавий маданият, моддий маданият, цивилизация, фан, санъат, техника.
7. Мафкуранинг жамият ҳаётига таъсири. Таянч иборалар: ижтимоий онг структураси, назарий онг, ижтимоий руҳият, ғоялар.
8. «Маънавий баркамол инсон» тушунчасининг таърифи. Таянч иборалар: маънавийлик, маърифат, илм-фан, касб, ҳунар, садоқат, ахлоқ, одоб.
9. Маънавий мерос асосида мафкуравий тарбияни ташкил этиш йўллари. Таянч иборалар: урф-одат, анъана, қадриятлар, театр, кино, журнал.
10. «Маънавият асослари» фани ўқитилишнинг асосий мақсади. Таянч иборалар: маънавият, маърифат, баркамол инсон, мустакил фикр, тараққиёт.
11. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти. Таянч иборалар: онг, жамият, маданият, баркамоллик, ўз-ўзини англаш, миллий, умуминсоний.
12. Маърифат - маънавий тарбия асосидир. Таянч иборалар: илм-фан, таълим-тарбия, баркамол авлод, дин, оила, мактаб.
13. «Соглом авлод» тушунчасининг моҳияти? Таянч иборалар: жисмоний, акл, рух,одоб, ватан, насл насаб, ривожланиш.
14. «Узлуксиз таълим» давлат дастурининг моҳияти. Таянч иборалар: оила, богча, мактаб, олий таълим, укитувчилар, моддий база, малака ошириш.
15. «Шарк Рафаэли» номини олган буюк мусаввир Камолиддин Бехзод ижодининг миллий маънавиятимиз ривожидаги роли. Таянч иборалар: «Зафарнома; Хусайн Бойкаро, «Хамса», «Бустон», «Гулистон», «Туялар жанги».

50.Зардуштийлик динининг туб мохияти. Таянч иборалар: оташпарастлик, якка худолик, мехнат, эзгулик, касб корлик.

51.Моддий ва маънавий кадриятлар тушунчалари, уларнинг узаро муносабатлари. Таянч иборалар: моддий маданият, маънавий маданият, маънавий мерос, тараккиёт.

52.Абу Исо Мухаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» номли китобининг мазмуни. Таянч иборалар: ислом шариати, фикх, хукук, суннат, хадис.

53.Абу Мансур ал-Мотурудий илмий фаолиятининг тарбиявий ахамияти. Таянч иборалар: Самарканд, ханафия, мазхаб, ашъарин.

54.Жадидчилик харакати шаклланишининг маънавий илдизлари. Таянч иборалар: Жадидчилик ва умумхалқ маънавияти, миллий матбуот ва маънавият даражаси, миллий маънавият ва маърифий тараққиёт.

55.Жамиятнинг маънавий киёфаси ва ижтимоий тараккиёт. Таянч иборалар: илмий-техника тараккиёти, цивилизация, миллий гурур.

56.Иймон тушунчаси. Таянч иборалар: эътиқод, ислом, виждон, юксак маъсулият, тўғрилик, адолат.

57.Иймонли шахс маънавий қиёфасининг моҳияти. Таянч иборалар: иймон тушунчаси, иймонли шахс, иймон ва дин, иймон ва виждон.

58.«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий максади. Таянч иборалар: ислохотлар, инсон, фаровонлик, юксак, илм, ахлок, маънавият.

59.Ҳокимият фаолиятида маънавий омилларнинг аҳамияти. Таянч иборалар: Маънавият ва хокимият, ижтимоий ҳамкорлик ва маънавият, расман тенглик тамойили ва хокимият.

60.Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари. Таянч иборалар: оқиллик, сергаклик, сахийлик, серғайратлик, огохлик, ҳурфикрлик, эътиқод, атеизм.

61.Марказий Осиёда Илк Ренессанс (уйгониш) ва унинг мохияти. Таянч иборалар: «Европацентризм» мафкураси, миллий маънавий мерос, кадриятларимиз, илм-фан.

62.Маънавий баркамол инсон ва унинг шарқона тушунчаси. Таянч иборалар: Комил инсон тушунчаси, мезонлари, фазилатлари, миллий ифтихор туйғуси.

аънавий ислохотлар иктисодий ислохотларнининг негизи эканлиги. янч иборалар: мактаб, маориф, баркамоллик, бозор иктисоди, жорат.

.Миллий истиклол мафкурасининг назарий манбалари. Таянч иборалар: маънавий мерос, миллий қадриятлар, И.А.Каримов асарлари.

65.Миллий маънавий мерос ва миллий қадриятлар уйғунлиги. Таянч иборалар: миллат, миллийлик, ўзликни англаш, мерос, тараккиёт.

66.Моддий ва маънавий кадриятлар тушунчалари, уларнинг узаро муносабатлари. Таянч иборалар: моддий маданият, маънавий маданият, маънавий мерос, тараккиёт.

67.Монийлик таълимотида маънавият масалаларининг талқини. Таянч иборалар: Моний ва унинг қарашлари, зиё ва зулмат талқини инсон таърифи.
68.Ўзбек тилининг Шўролар даврида «иккинчи даражали тил» холатига тушиб колиш сабаблари. Таянч иборалар: «улуг рус тили», ягона тил, совет халки, марказ, лотин графикаси, давлат тили.
69.Президент И.А.Каримов узининг «Жамиятимиз мафкураси халкни-халк, миллатни - миллат килишга хизмат этсин» номли сухбатида миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаси сифатида нималар назарда тутилган? Таянч иборалар: гоя, фикр, жахолат, маърифат, бахс, бирлаштирувчанлик, тафаккур, тазийк.
70.Узбекистон Республикаси «Давлат тили» хакидаги конуннинг кабул килиниши ва бу конуннинг ижтимоий тараккиётга таъсири. Таянч иборалар: истиклол, миллат, мустакиллик, узликни англаш, тараккиёт.
71.Узбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмун-мохияти. Таянч иборалар: инсон, хукук, демократия, давлат, конун.
72.Узбекистон Республикасида утказилаётганислохатларнинг пировард максадини баён этинг. Таянч иборалар: жамият, шахс, мустакиллик, фукоро, демократия, фаровонлик, тинчлик, адолат.
73.Узбекистон Республикасида утказилаётган ислохатларнинг устувор йўналишлари. Таянч иборалар: жамият, шахс, мустакиллик, фукоро, демократия, фаровонлик, тинчлик, адолат.
74.Умуминсоний маънавият тушунчаси. Таянч иборалар: Миллат, этнос, халқ маънавиятининг ўзига хос томонлари, миллий маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги.
75.Хозирги замон кибернетикасининг асоси булган «Алгоритм»нинг миллий узликни англашдаги ахамияти. Таянч иборалар: миллий гурур, узликни англаш, Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, цивилизация.
76.Шарк ва Гарб маданиятларининг ўзаро муносабати. Таянч иборалар: «Европа марказ», маданиятлар, мифология, анъаналар, тараққиёт.
77.Узбекистон Республикасида утказилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий соҳадаги устувор йўналишлари. Таянч иборалар: оила, оналар, фукаро, демократия, фаровонлик, адолат, кучли ижтимоий ҳимоя қонун устуворлиги.
78.Мустамлакачилик ва совет қарамлиги шароитида ўзбек халқи миллий маънавиятига етказилган зарарлар. Таянч иборалар: миллий мерос, она тили, урф одатлар, совет халқи, ғурур, атеизм.
79.Узбекистон Республикасида утказилаётган ислоҳотларнинг маънавият соҳасидаги устувор йўналишлари. Таянч иборалар: жамият, эркин шахс, мустакиллик, фукоро, демократия, эътиқод, шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги.
80.Узбекистон Республикасида утказилаётган ислоҳотларнинг сиёсий соҳадаги устувор йўналишлари. Таянч иборалар: сиёсий маданият, фукаро, демократия, кўппартиявийлик, адолат, маҳаллий ҳокимият.

81.Миллатлараро тотувлик - юксак маънавият белгиси. Таянч иборалар: миллат, элат, урф одат, тарихий мерос, миллий-маданий марказлар, ўзаро ҳурмат.
82.Баркамол инсон шаклланишида оиланинг роли. Таянч иборалар: ота-онага ҳурмат, оилавий муҳит, фарзандлик бурч, меҳр-муҳаббат, тарбия усуллари.
83.Жамият маънавияти тараққиётида иқтисодий омилларнинг роли. Таянч иборалар: юксалиш, ўсиш, таназзул, инқироз, ғоя, фикр, қадриятлар.
84.Сиёсатнинг ижтимоий моҳияти. Таянч иборалар: тараққийпарварлик, адолатсизлик, зўравонлик, илғор ва реакцион сиёсатлар.
85.Ислом динида оилавий муносабатлар билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар. Таянч иборалар: софдиллик, самимият, ҳурмат ва эҳтиром, камтарлик ва такаббурлик, шариат, фиқх, никоҳ, талоқ.
86.Тасаввуф таълимотида шахс маънавияти масалалари. Таянч иборалар: илоҳийлик, дунёвийлик, пантеизм, илоҳий ишқ, дунёвий ишқ.
87.Совет тоталитаризми шароитида ислом маънавий қадриятларининг таъқиб этилиши. Таянч иборалар: атеизм, теизм, теология, виждон эркинлиги, иймон, эътиқод.
88.Ислом Каримов асарларида диний-исломий қадриятларнинг тикланиши. Таянч иборалар: маънавий қашшоқлик юксаклик, миллий ва диний, маънавий мерос, терроризм, бунёдкорлик руҳи.
89.Ислом динида миллий ва умуминсоний маънавият кўринишлари. Таянч иборалар: миллий ва умуминсоний қадриятлар, тараққиёт омиллари, реакцион, тараққийпарвар кучлар, вайронкорлик ва бунёдкорлик омиллари.
90.Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган моддий ва маънавий мерослар. Таянч иборалар: илм-фан, маърифат, мадраса, масжид, фалакиёт, риёзиёт, астралогия.
91.Чоризм босқинининг Туркистондаги ижтимоий сиёсий, маънавий-маърифий оқибатлари. Таянч иборалар: маънавий маҳрумлик, иқтисодий, тарихий таназзул, манқуртлилик, эътиқодсизлик, мустамлакачилик оқибатлари.
92.Ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг маънавий асослари. Таянч иборалар: қаҳрамонлик, шовинизм, миллатчилик, халқпарварлик, она юрт туйғуси, садоқат, эл фарзанди.
93.Инсонпарварликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий хусусиятлари. Таянч иборалар: гуманизм, гуманистик ғоялар, шахс, эл, халқ, миллат, жамият ва унда инсон ўрни.
94.Диёнат тушунчаси ва унинг маънавий, аҳлоқий моҳияти. Таянч иборалар: эътиқод, виждон, ор-номус, фахр, ғурур, эътиқодсизлик, баркамоллик.
95.«Адолат» тушунчасининг ижтимоий-маънавий, мазмуни ва унинг жамиятдаги ўрни. Таянч иборалар: одиллик, тўғрилик, меъёр

даражалари, адолат мезонлари, ҳақ ва ноҳақлик, уларнинг ҳуқуқий асослари.

96.Эътиқоднинг маънавий асослари ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни. Таянч иборалар: онг, дунёқараш, шахс баркамоллиги, виждон, идрок, тафаккур, ирода мустаҳкамлиги.

97.«Ҳуқуқий саводхонлик» тушунчаси ва унинг маънавий моҳияти. Таянч иборалар: қонун, қонуният, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, фуқаролик, бурчи, ҳуқуқ меъёрлари, фикх илми, шариат, комиллик.

98.Шахс маънавияти ва унинг шаклланишида оиланинг ўрни. Таянч иборалар: таълим тизими, муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий воситалар, маҳалла, қариндош, ота-она таъсири.

99.«Ғарбона» ва «Шарқона» оила муносабатларининг қиёсий таҳлили. Таянч иборалар: анъанавийлик, ҳурмат, эҳтиром, қаттиққўллик, «ота рози худо рози», «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

100.Шахс маънавиятини шакллантиришда таълим тизимларининг ўрни. Таянч иборалар: мактабгача тарбия, олий таълим, оилавий тарбия, мактабдан ташқари тарбия, телевидение, санъат асарлари.

101.Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини шакллантиришда муҳим восита сифатида. Таянч иборалар: кино, театр санъати, бадиий образлар, қаҳрамонлар, шахс ва ижод, ижобий намуналар.

102.Маҳалла - тарбия ўчоғи эканлиги ва унинг маънавий аҳамияти. Таянч иборалар: тарбия намунаси, эл фарзанди, кексалар ўгити, коллективизм, худбинлик, эгоизм, савоб ишлар.

103.Шахс маънавиятини ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг ўрни. Таянч иборалар: таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлари, тарбия тизимлари, масканлари, таълим-тарбия воситалари. Сиёсий, ижтимоий ташкилотлар ва қуроллар.

104.Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш - энг асосий устувор йўналиш. Таянч иборалар: мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқ ва Ватан манфаати, сиёсий ва иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатлари.

105.Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш - тараққиётимизнинг асосий шартидир. Таянч иборалар: миллатлараро ва динлараро тотувлик, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик.

106.Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш иқтисодиётнинг муҳим шартидир. Таянч иборалар: хусусий сектор, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, инвестицион муҳит, инвестор.

107.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкораликни таъминлаш - демократик тамойилларнинг амалий ифодасидир. Таянч иборалар: оммавий ахборот, матбуот, радио-

телевидение, «тўртинчи ҳокимият» жамоатчилик фикри, сиёсий, фаоллик, кўппартиявийлик, демократик парламентаризм.

108.Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотлари ролининг кескин кучайиши - «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини жорий этишдир. Таянч иборалар: давлатнинг иқтисодий соҳага аралашувини чеклаш, ўз-ўзини бошқариш, назорат функциялари, маҳалла институти, жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалар, нотижорат ташкилотлар, хайрия фаолияти.

109.Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш - устувор йўналишлардан биридир. Таянч иборалар: суд мустақиллиги, қонун устуворлиги, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий онг, ариза ва шикоятларга муносабат, Ўзбекистон Конституцияси.

110.Қуролли кучларни ислоҳ қилиш - Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишдаги муҳим вазифадир. Таянч иборалар: Ҳарбий хизмат, профессионал армия, Ватан олдидаги бурч, шартнома-контракт, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш, муддат.

111.Одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш - миллий тафаккурга янгича ёндошувдир. Таянч иборалар: маънавий янгиланиш, мафкура ақидалари, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, конфессиялар, фуқаролар тотувлиги.

112.Фуқаролик жамиятини барпо этишда - Ислом Каримовнинг II чақириқ IX сессиясида қилган нутқининг тарихий аҳамияти. Таянч иборалар: фуқаролар ҳуқуқи, эркинликлар, стретегик дастур, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, давлат тузилиши.

113.Мамлакатда ижтимоий муҳофаза сиёсатининг бугунги холати (И.Каримовнинг «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи асосида). Таянч иборалар: Ижтимоий мухофаза, ижтимоий таъминот, давлат бюджети, меҳр ва мурувват, хусусий мулк, эркин фаолият ва ҳ.к.

114.Республикамизда бугунги демографик холатнинг таҳлил қилиниши (И.Каримовнинг «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи асосида). Таянч иборалар: Ижтимоий ҳолат, демографик ҳолат, аҳоли ўсиши, ялпи миллий маҳсулот, аҳоли жон бошига тақсимоти ва ҳ.к.

115.2005 йил январ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий сохаларда туб ислохотларни амалга оширишни асосий йўналишлари тўғрисида.

116.2005 йил май Андижон воқеаларини келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларининг тахлили.

117.Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ (иккинчи

чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси материаллари асосида). Таянч иборалар: Мустақиллик, миллий тараққиёт, дунёвий тараққиёт, ижтимоий барқарорлик.

118.2006 йил "Хомийлар ва шифокорлар йили". Таянч иборалар: Хомийлик, саховатпешалик, қадрлаш, эъзозлаш, сиҳат-саломатлик, мададкор бўлиш.

119.Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги - ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. (ЎзР Олий Мажлисининг 14 сессияси материаллари асосида) Таянч иборалар: Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳамжиҳатлик, ирода эркинлиги, адолат ва қонун устуворлиги.

120.2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор вазифалари. (И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидан маърузаси (2005 йил 28 январ) асосида). Таянч иборалар: Устувор вазифалар, иқтисодий ислоҳотлар, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, кичик бизнес, фермерлик, Банк, молия тизими, уй-жой коммунал хўжалиги тизими ва ҳ.к.

121.Парламент - жамият ҳаётининг кўзгуси. (И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида (2005 йил 27 январ) сўзлаган нутқи асосида). Таянч иборалар: Қонунчилик палатаси, қонун, халқ иродаси, демократик сайлов тизими, манфаатлар уйғунлиги.

122.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият" мавзусидаги маърузасининг моҳияти. Таянч иборалар: Конституция, инсон эркинлиги, қадр-қиммат, демократия, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги.

123.Президент Ислом Каримовнинг "Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим" (2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси). Таянч иборалар: Иқтисодиётни эркинлаштириш, либераллаштириш, чуқурлаштириш, хусусий секторни кучайтириш, кичик бизнес.

124.Президент Ислом Каримовнинг "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" (2006 йил 24 февралдаги Сенатнинг 5-ялпи мажлиси)да сўзлаган нутқининг моҳияти. Таянч иборалар: Сенатнинг функцияси, маҳаллий кенгаш, Сенатнинг ваколати, Сенатнинг назорат фаолияти, қонунчилик базасини яратиш.

# II-БЎЛИМ.

# «МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА РЕЖА-ТОПШИРИҚЛАР ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҲУЖЖАТЛАР

*Талабанинг исми ва шарифи*______________________________________

*Кафедра*__________________________________________________

*Ўқитувчининг исми ва шарифи*___________________________________

| 1 мавзу | ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ |
|---|---|

## 1.1. Кириш мавзу бўйича режа топшириқ ва ўқув-услубий хужжатлар

<table>
<tr><td colspan="3">Маъруза режаси:<br>1. Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти.<br>2. Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамияти.<br>3. Мустақиллик йилларида миллий-маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.</td></tr>
<tr><td>Машғулотнинг мақсади:</td><td colspan="2">Ўқув курси ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Талабанинг ўқув фаолияти натижалари:<br>• миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини айтиб беради;<br>• Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига берган таърифини айтиб бера олади, унинг назарий ва методологик мазмунини таҳлил қилади;<br>• Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда XXI асрда маънавиятни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини тўлиқ санаб беради ва изоҳ беради.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:<br>1. Маърузани матни билан танишиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.<br>Эслатма: 4.1-га қаранг.<br>2. Ўқув хужжатлар билан танишиб чиқинг.<br>Эслатма: 1.1, 1.2, 1.3-га қаранг.<br>3. Ўқув топшириқлар билан танишиб чиқинг.<br>Эслатма: 2.1-га қаранг.<br>4. Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг.<br>Эслатма: 3.1, 3.2-га қаранг.</td></tr>
<tr><td>Назорат шакли:<br>Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш.</td><td>Максимал балл: 3 б.<br>Талабага қўйилган балл: ______</td><td>Ўқитувчи имзоси:______________</td></tr>
</table>

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР

### 1.1. Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти

> *Маънавият* – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди фаросати, адолат билан разиликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан ҳунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир.

### 1.2. Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг асосий негизлари



## 1.3. Мустақиллик йилларида миллий-маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари

**ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН КОНЦЕПТУАЛ ҒОЯЛАР**

Маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашга эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш

Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш

Таълим тизимини ислоҳ қилиш

Миллий маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш

Ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш

Инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш

## II. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

### 2.1. Т-схема жадвалини тўлдиринг

| Маънавияти юксак инсон деб кимни айтса бўлади? | Аксинча-чи? |
|---|---|
| | |

## III. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

### 3.1. «Ақлий ҳужум»нинг асосий қоидалари:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

### 3.2. «Т - схема» техникаси

| | |
|---|---|
| - бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари;<br><br>- танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;<br><br>- маъруза якунида қўлланилади; | Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади.<br>Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради<br><br>Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.<br><br>Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда тўлдирилиши мумкин.<br><br>Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин. |

## IV. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

### 4.1. Такрорлаш учун саволлар:

1. Миллий-маънавий тикланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
3. Ислом Каримов томонидан «маънавият» тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
5. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимизда Ислом Каримовнинг хизматлари нималардан иборат?
6. Нима учун Ислом Каримов маънавиятни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қарамоқда?
7. Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда XXI асрда маънавиятни ривожлантиришнинг қандай вазифалари белгилаб берилди?
8. Миллий-маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожланти-ришнинг мукаммал ғоялари Ислом Каримовнинг қайси асарларида асослаб берилган?

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

| 2<br>мавзу | МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУШУНЧАЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ |
|---|---|

## 2.1. Информацион кўргазмали маъруза бўйича режа топшириқ ва ўқув-услубий хужжатлар

<table>
<tr><td colspan="3">Маъруза режаси:<br>1. Маънавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий таҳлили.<br>2. Маънавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари.<br>3. Маънавиятни ривожлантириш – давлат сиёсатида устувор соҳа.</td></tr>
<tr><td>Машғулотнинг мақсади:</td><td colspan="2">Маънавият ҳамда маънавиятнинг категориялари ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, маънавиятни ривожлантириш – давлат сиёсатида устувор соҳа эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Талабанинг ўқув фаолияти натижалари:<br>• «Маънавият асослари» фанининг предмети ва «маънавият» тушунчаси моҳиятини айтиб беради;<br>• маънавиятнинг асосий таркибий қисмлари ва категориялари, унинг ривожланиш қонуниятларини санаб беради ва изоҳ беради;<br>• маънавияти юксак жамият тараққий этишини таҳлил қилади.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:<br>1. Маърузани матни билан танишиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.<br>Эслатма: 4.1-га қаранг.<br>2. Ўқув хужжатлар билан танишиб чиқинг.<br>Эслатма: 1.1, 1.2, 1.3, 1.4, 1.5-га қаранг.<br>3.Ўқув топшириқлар билан танишиб чиқинг.<br>Эслатма: 2.1-га қаранг.<br>4. Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг.<br>Эслатма: 3.1-га қаранг.</td></tr>
<tr><td>Назорат шакли:<br>Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш.</td><td>Максимал балл: 3 б.<br>Талабага қўйилган балл: ______</td><td>Ўқитувчи имзоси: ____________</td></tr>
</table>

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР

### 1.1. «Маънавият» тушунчасининг фалсафий таҳлили

Маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир.

*И.КАРИМОВ*

Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар

*А.ЖАЛОЛОВ*

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча.

*А.ИБРОҲИМОВ, Х.СУЛТОНОВ, Н.ЖЎРАЕВ*

Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳияти, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир.

*А.ЭРКАЕВ*

### 1.2. Маънавиятнинг таркибий қисмлари



### 1.3. Маънавиятнинг шахс, миллат, тараққиёт ва жамият билан ўзаро алоқадорлиги



## 1.4. Маънавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари

**Маънавият категориялари**

| | | |
|---|---|---|
| Ўз-ўзини англаш | Билимдонлик | Қалби поклик |
| Сахийлик | Самимийлик | Хайрихоҳлик |
| Иймонлилик | Ҳалоллик | Эътиқодлилик |
| Диёнатлилик | Поклик | Меҳр-шавқат |
| Виждонлилик | Ростгўйлик | Адолатпарварлик |
| Ота-онага ҳурмат | Оилага садоқатлилик | Миллий ўз-ўзини англаш |
| Миллий ғурур | Миллатпарварлик | Ватанпарварлик |
| Миллат тақдирига нисбатан масъулият | Миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш | Миллий тил |
| Миллий тарих | Адабиёт | Урф-одатлар |
| Давлат тизимига ҳурмат | Жамоа анъаналарига хайриҳоҳлик | Анъаналар |
| Қонунларга итоаткорлик | Вазминлик | Қадриятларни ўзлаштириш |
| Ўз касбининг моҳир устаси | Мамлакат ички ва ташқи сиёсатидан хабардор бўлиш | Ҳаётда бўладиган жараёнларда фаоллик кўрсатиш |

## 1.5. «Маънавият асослари» курсини ўрганиш методлари



## II. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

### 2.1. ФСМУ жадвалини тўлдиринг

**Юксак маънавият жамият тараққиётининг асоси бўла оладими?**

| | |
|---|---|
| **F** | Фикрингизни баён этинг. |
| **S** | Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг. |
| **M** | Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. |
| **U** | Фикрингизни умумлаштиринг. |

## III. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

### 3.1. ФСМУ технологияси

(Ф) – Фикрингизни баён этинг.

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

# IV. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР:

## 4.1. Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг шахс, миллат, жамият ҳаётидаги ўрни нимада?
3. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
4. Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз?
5. Маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиш сабаблари нимада деб биласиз?

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

## 2.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий ҳужжатлар

*Маъруза режаси:*

1. Ислом Каримовнинг миллий – маънавий тикланиш ва маънавият тушунчасига таърифлари.
2. Ўзбек халқининг миллий-маънавиятининг тикланиши ва мустақилликни мустаҳкамлашда И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепциянинг назарий, методологик ва амалий аҳамияти.
3. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти. Маънавиятнинг таркибий қисмлари.
4. Маънавият асосларининг предмети, инсон ва жамият маънавий ҳаётини ривожланишида маънавиятнинг ўрни.

| | |
|---|---|
| *Машғулотнинг мақсади:* | Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришни таъминлаш. |

*Талабанинг ўқув фаолияти натижалари:*

- амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;
- Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясининг моҳиятини ёритиб бора олади;
- маънавият, миллий-маънавият, мафкура, миллий истиқлол ғояси каби тушунчаларга таъриф беради;
- миллий-маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантиришнинг мукаммал ғояларини ёритиб бериб, ўз эркин фикрини намоён этади;
- маънавият асослари предметининг таркибий қисмларига алоҳида изоҳ беради.
- маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиши сабабларини санаб беради.

*Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:*

1. Эссе ёзиб келинг.
   Эслатма: 3.1-га қаранг.
2. Гуруҳларда ишлаш қоидаси билан танишиб чиқинг.
   Эслатма: 2.1-га қаранг.
3. Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг.
   Эслатма: 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-га қаранг.
4. Мавзу бўйича суҳбат ва бахс мунозарага тайёрланинг.

| | | |
|---|---|---|
| ***Назорат шакли:*** Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш. | ***Максимал балл:*** 3 б. ***Талабага қўйилган балл:*** _______ | ***Ўқитувчи имзоси:*** _______ |

## ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## I. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

### 1.1. «Нима учун?» органайзерини тўлдиринг




### 1.2. «Муаммоли вазият» жадвалини тўлдиринг

| *«Муаммоли вазият» тури* | *«Муаммоли вазият» сабаблари* | *Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари* |
|---|---|---|
| Нима учун миллий-маънавий тикланишга эҳтиёж сезилди? | | |

### 1.3. Эксперт қоғозлари - топшириқлар

*1-гуруҳ*

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз? (Аниқ мисоллар келтиринг).

*2-гуруҳ*

Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор? (аниқ мисоллар келтиринг).

*3-гуруҳ*

Маънавиятнинг шахс, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрнини маънавиятнинг таркибий қисмлари орқали тушунтириб беринг?

*4-гуруҳ*

Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз? (аниқ мисоллар келтиринг).

### 1.4. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл | Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл | Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл | Жами балл |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

15 – 13 балл – «аъло».
12 – 10 балл – «яхши».
9 – 6 балл – «қониқарли».

## II. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

### 2.1. Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

## III. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

### 3.1. Топшириқ

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида унитилган ва таъқиқланган миллий қадриятларимизнинг тикланиши» мавзусида эссе ёзиб келиш.

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

## 2.2. Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот бўйича режа-топшириқ ва ўқув-услубий ҳужжатлар

<table>
<tr><td colspan="3">Маъруза режаси:<br>1. Ислом Каримовнинг миллий – маънавий тикланиш ва маънавият тушунчасига таърифлари.<br>2. Ўзбек халқининг миллий-маънавиятининг тикланиши ва мустақилликни мустаҳкамлашда И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепциянинг назарий, методологик ва амалий аҳамияти.<br>3. «Маънавият» тушунчасининг моҳияти. Маънавиятнинг таркибий қисмлари.<br>4. Маънавият асосларининг предмети, инсон ва жамият маънавий ҳаётини ривожланишида маънавиятнинг ўрни.</td></tr>
<tr><td>Машғулотнинг мақсади:</td><td colspan="2">Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришни таъминлаш.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Талабанинг ўқув фаолияти натижалари:<br>• амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>• Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясининг моҳиятини ёритиб бора олади;<br>• маънавият, миллий-маънавият, мафкура, миллий истиқлол ғояси каби тушунчаларга таъриф беради;<br>• миллий-маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантиришнинг мукаммал ғояларини ёритиб бериб, ўз эркин фикрини намоён этади;<br>• маънавият асослари предметининг таркибий қисмларига алоҳида изоҳ беради.<br>• маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиши сабабларини санаб беради.</td></tr>
<tr><td colspan="3">Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:<br>1. Эссе ёзиб келинг.<br>Эслатма: 3.1-га қаранг.<br>2. Гуруҳларда ишлаш қоидаси билан танишиб чиқинг.<br>Эслатма: 2.1-га қаранг.<br>3. Ўқув топшириқларни бажаришга тайёрланинг.<br>Эслатма: 1.1, 1.2, 1.3, 1.4-га қаранг.<br>4. Мавзу бўйича суҳбат ва бахс мунозарага тайёрланинг.</td></tr>
<tr><td>Назорат шакли:<br>Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш.</td><td>Максимал балл: 3 б.<br>Талабага қўйилган балл: ______</td><td>Ўқитувчи имзоси:______________</td></tr>
</table>

# ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## I. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

### 1.1. «Нима учун?» органайзерини тўлдиринг




### 1.2. «Муаммоли вазият» жадвалини тўлдиринг

| *«Муаммоли вазият» тури* | *«Муаммоли вазият» сабаблари* | *Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари* |
|---|---|---|
| Нима учун миллий-маънавий тикланишга эҳтиёж сезилди? | | |

### 1.3. Эксперт қоғозлари - топшириқлар

*1-гуруҳ*

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз? (Аниқ мисоллар келтиринг).

*2-гуруҳ*

Ислом Каримов ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор? (аниқ мисоллар келтиринг).

*3-гуруҳ*

Маънавиятнинг шахс, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрнини маънавиятнинг таркибий қисмлари орқали тушунтириб беринг?

*4-гуруҳ*

Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз? (аниқ мисоллар келтиринг).

### 1.4. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар | Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл | Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл | Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл | Жами балл |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

## II. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

### 2.1. Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

## III. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

### 3.1. Топшириқ

«Ўзбекистонда мустақиллик йилларида унитилган ва таъқиқланган миллий қадриятларимизнинг тикланиши» мавзусида эссе ёзиб келиш.

## ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР УЧУН

| 3 мавзу | **МАЪНАВИЯТ, ИҚТИСОДИЁТ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ** |
|---|---|

### 3.1. Информацион маълумотга эга бўлган маъруза бўйича режа топшириқ ва ўқув-услубий хужжатлар

*Маъруза режаси:*
1. Иқтисодиёт тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос бозор иқтисодиёти йўлидан жаҳон тан олган «Ўзбекистон йўлидан» ривожланиш.
2. Маънавият ва маърифат жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришиш шарти эканлиги.
3. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий асослари.

| | |
|---|---|
| *Машғулотнинг мақсади:* | Иқтисодиёт муайян ижтимоий тузумдаги ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи эканлиги ҳақида билиш ва кўникмаларни шакллантириш, иқтисодий эҳтиёжлар ва маънавиятнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш. |

- маънавият жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришишнинг омили эканлигини изоҳлаб беради, Иқтисодиёт тушунчасига таъриф беради.
- бозор иқтисодиётига ўтиш юксак тараққиёт имконияти эканлигини айтиб беради.
- ривожланган иқтисодиёт – юксак маънавият мезони эканлигини таҳлил қилади.

*Мустақил ўрганиш учун топшириқлар:*
1. Маъруза матни ва ўқув хужжатлари билан танишиб чиқинг.
   Эслатма: 1.1, 1.2, 1.3-га қаранг.
2. Ўқув топшириқлар билан танишиб чиқинг.
   Эслатма: 2.1, 2.2, 2.3-га қаранг.
3. Ўйин технология қоидалари билан танишиб чиқинг.
   Эслатма: 3.1, 3.2-га қаранг.
4. Ўқув машғулоти якунида билимингизни текширинг.
   Эслатма: 4.1-га қаранг.

| | | |
|---|---|---|
| *Назорат шакли:* Оғзаки назорат, савол-жавоб ва ўз-ўзини назорат қилиш. | *Максимал балл:* 3 б. *Талабага қўйилган балл:* ______ | *Ўқитувчи имзоси:* ______________ |

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТОПШИРИҚЛАР

## I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР

### 1.1 Таянч сўз ва иборалар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Иқтисодиёт | 9. | Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти |
| 2. | Ишлаб чиқариш | 10. | Интеллектуал салоҳият |
| 3. | Бозор муносабати | 11. | Давлат суверенитети |
| 4. | Бозор иқтисоди | 12. | Янгини қурмай, эскини бузманг |
| 5. | Тадбиркорлик | 13. | Экспорт |
| 6. | Тараққиётнинг ўзак модели | 14. | Бозор иқтисодининг шарти |
| 7. | Қонун устуворлиги | 15. | Бозор иқтисодининг талаби |
| 8. | Туризм даражаси | 16. | Маърифат |

### 1.2 Маънавиятнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги



### 1.3. Иқтисодий йўналишнинг таърифлари




## II. ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАР

### 2.1. «Каскад» органайзерини тўлдиринг



### 2.2. «Балиқ скелети» органайзерини тўлдиринг




### 2.3. Мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган «Блиц-сўров» саволлари

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1. | И.Каримов Олий Мажлиснинг қайси сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусида маъруза қилди? | |
| 2. | «Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт», - деган сўзлар И.Каримовнинг қайси асарида келтирилган? | |
| 3. | «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Олий Мажлиснинг қайси сессиясида қабул қилинди? | |
| 4. | Олтин захираси бўйича Ўзбекистон дунёда нечанчи ўринда туради? | |
| 5. | Ўрта Осиёдаги барча ресурсларнинг неча фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади? | |
| 6. | Ўзбекистон пахта маҳсулотини экспорт қиладиган мамлакатлар ичида нечанчи ўринни эгаллайди? | |

## III. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ МАТЕРИАЛЛАР

### 3.1. «Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.

### 3.2. «Балиқ склети» техникаси

Ушбу технология ката муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.

## IV. ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

### 4.1. Тестлар

1. Маънавий баркамол инсон деганда қандай одамни тушунасиз?

а) Миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни чуқур эгаллаган ва унга амал қилган зиёли шахс;

б) Адабиёт, саньат, фалсафа, ҳуқуққа доир чуқур билимга эга бўлган кишилар;

в) Жамиятда мавжуд барча қонун-қоидаларни, ахлоқ нормаларини мукаммал ўзлаштирган шахслар;

г) Диний билимларни чуқур ўзлаштирган, унга тўла амал қиладиган шахс;

